

## ЖИНОЯТЛАРНИ ОЧИШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШДА БАРМОҚ ИЗЛАРИНИ ТАШХИСЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Неъматов Жамшид Мурод ўгли*  
*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси*  
*3-ўқув курси 322-гуруҳ курсанти*

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф дактилоскопияга оид маълумотлар келтирилган бўлиб, одамни папилляр нақшларнинг бўлакларига кўра идентификация қилишда поро ва эджеоскопик тадқиқотларнинг назарий асослари, одамнинг қўл ва оёқ қафтлари қатлами тузилиши, поро ва эджеоскопик экспертизалар методикасининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб ўтади.

**Калит сўзлар:** *папилляр нақшлар, умумий аломатлар, хусусий аломатлар, дерма, эпидермис, локал из, латент из.*

### АННОТАЦИЯ

В данной статье автор представляет информацию о дактилоскопии, теоретических основах поро- и эджоскопических исследований при идентификации личности по фрагментам папиллярных узоров, строении слоя ладоней кистей и стоп, особенностях метода поро- и эджоскопической экспертизы.

**Ключевые слова:** *папиллярные узоры, общие симптомы, специфические симптомы, дерма, эпидермис, локальный рубец, латентный рубец.*

### ANNOTATION

Through this article, the author presents information on dactyloscopy, the theoretical basis of poro and edgeoscopic studies in the identification of a person based on the fragments of papillary patterns, the structure of the layer of the palms of the hands and feet, the specific features of the method of poro and edgeoscopic expertise.

**Key words:** *papillary patterns, general symptoms, specific symptoms, dermis, epidermis, local scar, latent scar.*

Одам тери нақшлари ҳар бир одам учун хусусий бўлиб, фақат бир-биридан ташқи кўриниши билан фарқ қилиши мумкин.

Одам тери қатламидаги нақшларнинг тузилиши, айнан бир шахсга тегишлилигини ундаги папилляр чизиклардаги ўзгаришлар орқали аниқланади. Бу папилляр чизиклардаги ҳар бир нақш ва уларнинг ҳосил қилган йўналишлари

шу шахс учун айнанликни намоён қилади. Бу одам тери қатламининг биологик функцияси ва анатомик тузилишидан келиб чиқади.

Одам тери қатламини анатомик тадқиқот орқали ўрганганда шу нарса аниқланганки, одам қўли папилляр нақш чизиқлари, тери қатламида такрорланмас ва ҳар битта шахс учун индивидуал тузилишга эгадир. Бу эса унинг аҳамиятли томони ҳисобланади.

Тери қатламини бошқа криминалистик объектлардан фарқли томони шундан иборатки, у ўзгармасдир. Одам тери қатламининг катта аҳамиятини кашф этиш ҳам шундан иборат. Одамнинг бўйи, яъни танасининг ўсиши бу нақшларда ҳеч қандай ўзгаришларни англатмайди. Бу фақатгина нақш чизиқларининг ўлчами, шакли ўзгармаган ҳолда ички томонлама ўзгариб, биринчи ҳолатини сақлаб туради. Тери қатламининг ташқи томонининг ўзгармаслиги билан бир қаторда ташқи механик таъсирларга чидамли бўлади.

Одам тери қатламидаги ўзгариш, масалан, баъзи бир ташқи муҳитнинг таъсирида папилляр чизиқларнинг ўзгариши, албатта вақтинча ҳолат бўлиб, маълум вақтдан кейин яна олдинги ҳолатини қайта тиклайди.

Дактилоскопия – бу криминалистика соҳасида одамнинг тери қатламини нақшларини ўрганувчи ва шахсни аниқлаш, жиноятчини ҳисобга олиш ва қидириш мақсадида ўрганилади. Дактилоскопик тадқиқотлар ёрдамида одамнинг шахсини аниқлаш, жиноятни тергов қилиш жараёнида кўпгина ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради.

Бу ҳолатлар қуйидагилар:

1. Жиноят содир этилган жойда топилган папилляр нақш изидан гумонланувчиларнинг орасидан жиноятчини аниқлайди.
2. Бошқа жиноятлар бўйича ушланган гумондорлар орасидан очилмаган жиноят содир этилган жойдан олинган папилляр нақш бўйича жиноятчини топиш.
3. Ҳар хил жиноятлар айти бир шахс томонидан қилинганлигини асослаш факти.
4. Тергов қилинаётган жиноят иши бўйича жиноятчининг ўахсини аниқлаш дактокарталар ёрдамида аниқланади.

Папилляр нақшларнинг пайдо бўлишини ва жиноятчини жиноят содир этиш вақтидаги ҳаракатларини аниқлаш.

Ҳар қандай суд экспертизалари, шу жумладан дактилоскопик экспертизаларнинг ўтказилиши ҳам процессуал ҳаракат бўлиб, буларнинг ҳаммаси терговчининг ҳамда судянинг қарори орқали амалга оширилилади. Яна шуни ҳам таъкидлашимизга тўғри келадикки, экспертиза процессуал ҳаракат бўлиб, жиноят ишларини тергов қилишда хулоса бериш учун зарур фан, техника,

санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахсдан фойдаланишга тўғри келади<sup>1</sup> (ЖПК 67 – модда).

Криминалистлар томонидан қўл кафти сиртида муайян анатомик белгилар ва тери рельефининг ўзига хос тузилишига эга бўлган 19 соҳа ажратиб кўрсатилган.

Қўл кафти сиртидаги тери қоплами эпидермис, дерма ва тер ости ёғ тўқимасидан иборат уч таркибли тери тўқималари тизимидан иборат бўлади. Одамнинг тери қопламида тер безлари бўлади ва уларнинг найчалари папилляр чизикларнинг юқори нуқтасидаги очиладиган воронкасимон чуқурчалар — поралар орқали очилади. Тиббиётга оид адабиётларда кафтида тер безлари туғма бўлмайдиган одамлар ҳақида маълумотлар борлигини билиш экспертлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Энг кўп миқдордаги поралар қўл ва оёқ кафтини сиртида жойлашади. Тиббиётга оид адабиётлардаги маълумотларга кўра, кафт сиртининг 1 см<sup>2</sup> ўлчамли соҳасида 400–500 тагча поралар жойлашиши мумкин. Экспертлар учун папилляр чизиклар бир бирлик узунлигидаги пораларнинг миқдори қизиқиш уйғотади. Айрим адабиётларда ушбу маълумотлар 1 см узунликдаги папилляр чизикда 8–18 та пора жойлашади деб, баъзилайда эса 1,5 мм узунликдаги папилляр чизикда 2 — 8 тагча поралар жойлашади деб кўрсатилган<sup>2</sup>

Дактилоскопиянинг, папилляр чизиклар акслари четларининг ўзига хос хусусиятларини, одамни қўл изларига кўра идентификация қилиш мақсадида, ўрганадиган қисми криминалистикада эджеоскопия деб аталади. Ушбу атама илк марта ҳинд криминалисти **С.К. Чаттерджи** томонидан таклиф қилинган.

Пороскопияга асосланган идентификация методлари мустақил равишда ёки биргаликда (бир–бирини тўлдирган ҳолда) ёхуд оддий дактилоскопик методлар билан биргаликда қўлланилади. Аммо, ҳар қандай ҳолатда ҳам, уларнинг имкониятлари чегараланган ва тегишли омиллар билан ифодаланади.

Сўнгги вақтларда эксперт-криминалистик хизмати фаолиятидаги қуйидаги вазифаларни осонлаштириш ва самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида, турли компьютер технологияларидан тabora кўпроқ фойдаланилмоқда:

- изларни АДТИ (автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизим)га тезкор равишда киритиш;
- папилляр чизиклар тасвирларини, уларга кимёвий моддалар билан ишлов бериш (“хўл жараён”)лардан фойдаланмасдан принтердан чиқариш;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси: (2017-йил 1-июльгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: «Адолат», 2017 й

<sup>2</sup> Қаранг: Хасанов Ш.Х., Югай Л.Ю., Хусанов А.Д. Дактилоскопик экспертиза: Дарслик. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.

– мураккаб изларга тез ишлов беришСўнги вақтларда эксперт-криминалистик хизмати фаолиятидаги қуйидаги вазифаларни осонлаштириш ва самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида, турли компьютер технологияларидан табора кўпроқ фойдаланилмоқда:

- изларни АДТИТ (автоматлаштирилган дактилоскопик идентификацион тизим)га тезкор равишда киритиш;
- папилляр чизиқлар тасвирларини, уларга кимёвий моддалар билан ишлов бериш (“хўл жараён”)лардан фойдаланмасдан принтердан чиқариш;
- мураккаб изларга тез ишлов бериш<sup>3</sup>

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси: (2017-йил 1-июльгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: «Адолат», 2017 й
2. Хасанов Ш.Х., Югай Л.Ю., Хусанов А.Д. Дактилоскопик экспертиза: Дарслик. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.
3. Қаранг: АДИС «СОНДА-ПЛЮС» (версия 3.40). Методические указания эксперту-криминалисту. – Миасс, 1995 г.

---

<sup>3</sup> Қаранг: АДИС «СОНДА-ПЛЮС» (версия 3.40). Методические указания эксперту-криминалисту. – Миасс, 1995 г.